

"Grand Musaffo savdo servis" МЧЖ бундан буён матида «Сотувчи» деб аталувчи, номидан раҳбари А.Қаҳхаров Масъулияти чекланган жамияти Уставига асосан фаолиятини амалга оширувчи, бир томондан ва "Навоий нефт базаси" МЧЖ бундан буён матида «Харидор» деб аталувчи, номидан жамият Устави асосида иш юритувчи жамият директори О.Р.Ҳасанов иккинчи томондан ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. Товар хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> электрон платформаси орқали "Навоий нефт базаси" МЧЖ томонидан 22120012090955-сонли лот орқали кўпик хосил қилувчи суюқлик харид қилиш мақсадида жойлаштирилган эълонга мувофиқ ушбу танловда қатнашиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон платформага электрон шаклда ўз таклифларини жойлаштирилиб, ушбу танловнинг ғолиблик баённомасида кўрсатиб ўтилган «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб бериш, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақини тўлаб бериш мажбуриятларини оладилар.

Т/р	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси сўмда	Суммаси
1	кўпик хосил қилувчи суюқлик TFM-50	тонна	12 (Ўн икки)	26 380 000	316 560 000
	Жами:				316 560 000

Шартнома умумий баҳоси 316 560 000 (уч юз ун олти миллион беш юз олтинчи минг) сўм.

2. Тулов шартлари

- 2.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз миқдорда бошланғич туловни тўлаб беради. Тўловнинг қолган қисмини товарни етказиб берилгандан сўнг топшириш-қабул қилиш яқунланган санадан эътиборан 60 иш куни ичида молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда тўлаб беради.
- 2.2. Тўлов нақдсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
- 2.3. Белгиланган баҳолар қатъий ҳисобланиб, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар ўзгаришсиз қолади.

3. Мажбуриятларнинг бажариллиш муддати

- 3.1. Товар «Сотувчи»дан «Харидор»нинг ишончномаси асосида ҳаракат қиладиган вакили томонидан сифат ва миқдори бўйича қабул қилиб олинади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. «Сотувчи»нинг оморидида қабул қилинган жараёнида товарнинг миқдори, бутлиги ва сифатини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу ҳақда далолатномада қайд этилади.
- 3.2. Шартнома амал қилиш муддати: шартнома икки томонлама имзоланган кундан 31.12.2022 йилгача.

4. Тарафлар мажбуриятлари

- 4.1. «Сотувчи»нинг мажбурияти:
 - 4.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда олдиндан бошланғич тўлов тушгач 10 кун муддатда мол-мулкни сифат ва миқдори бўйича тўлиқ «Харидор»га бериши шарт;
 - 4.1.2. «Сотувчи» товарнинг келиб чиқишига, сифатига, бутланишига, ишлатиш қўлланмаси ва хоқоза шу товарга оид ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Агар товарга оид ҳужжатлар тақдим қилинмаган тақдирда «Харидор» товарни қабул қилиш ва тўлиқ тўловни амалга оширишни рад этишга ва шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.
 - 4.1.3. Молни «Харидор»га етказиб беришга оид Транспорт харажатлари «Сотувчи» ҳисобидан амалга оширилади.
 - 4.1.4. Қаролат муддати даврида товар ишлатишга яроқсиз ҳолга келса ва бу ҳолатларда «Харидор»нинг айби бўлмаса «Сотувчи» товарни алмаштириб бериши ёки соз ҳолга келтириши шарт, бундай ҳолатларда давлат кўригидан ўтказиш харажатлари «Сотувчи» зиммасига юкланади.
- 4.2. «Харидор»нинг мажбурияти:
 - 4.2.1. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган етказиб бериш тартибига, миқдорига, сифатига қараб, муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиши шарт.
 - 4.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқланган тақдирда, бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни ёзма равишда оғохлантириши шарт.
 - 4.2.3. Молк-мулкнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулаш.

5. Тарафлар жавобгарлиги

- 5.1. Мазкур шартнома шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмай қолганлиги, шунингдек бошқа тарзда иккинчи тарафга моддий зарар етказилган тақдирда айбдор томон бошқа тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва шартнома қийматининг бажарилмай қолган қисмига нисбатан 5 фоиз жарима тулайди.
- 5.2. «Сотувчи» мол-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун мол-мулк баҳосидан 0,4 фоиз, лекин етказиб берилмаган товар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган суммада пеня тулайди.
- 5.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бўтлашдаги мол-мулк етказиб берилмаса, «Сотувчи» Ўзб.Рес."Хўжалик юритувчи субъектлар ширтномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг "Сифати,

ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик" тўғрисидаги 26-моддаси тартибда қўлланилади.

5.4. Пеня (жарима) тулаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар ширтномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонунига, ҳамда Фуқаролик Кодекси мувофиқ белгиланади.

5.6. Етказиб берилган товарларнинг сифатига кафолат муддати товар етказиб берилган санадан 12 ой этиб белгиланади.

5.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

5.7.1. ҳар бир Томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа Томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миқозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа Томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совгалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай киймат қўриғида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур;

5.7.2. бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2. Савдо палатасининг ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувоҳномаси ана шундай форс-мажор ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

7. Низомни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низомлар аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоятидаги иқтисодий судида ҳал қилинади.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби



8.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9. Бошқа ҳолатлар

9.1. Ушбу шартнома иккала тараф бир хил кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилган.

Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари (маълумотлари)

"Grand Musaffo savdo servis" МЧЖ	"Навоий Нефт базаси" МЧЖ
Адрес: Наманганская Чартак, Дустлик МФЙ, Истикбол МФЙ 141 уй Телефон: 99 977 67 77 ИНН: 304491653 ОКОНХ: 71150 P/C 20208000900702179001 Банк: АТ ХАЛК БАНКИ ЧОҲТОК ФИЛИАЛИ МФО: 00721	
Раҳбар:  А. Қаҳҳаров	Раҳбар:  О.Р. Ҳасанов

Ҳуқуқий ҳулоса:

Мазкур шартнома шартлари ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 386-424 моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига эга эмас. Юрист 